

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВ ИКРОМАЛИ ТОЖИМАТОВИЧ

**«СУЮҚЛИК-СУЮҚЛИК-ГАЗ» ТИЗИМЛИ ГЕТЕРОГЕН МУҲИТЛАРГА
ИШЛОВ БЕРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР ЯРАТИШ ВА КИМЁ САНОАТИДА
ҚЎЛЛАШ**

**02.00.16 - «Кимё технологияси ва озик овқат ишлаб чиқариш жараёнлари
ва аппаратлари»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science(DSc)

Каримов Икромали Тожиматович

«Сууюклик-Сууюклик-Газ» тизимли гетероген мухитларга ишлов берувчи қурилмалар яратиш ва кимё саноатида қўллаш.....3

Каримов Икромали Тожиматович

Разработка и применение в химической промышленности аппаратов для переработки гетерогенных систем «Жидкость -Жидкость-Газ»29

KarimovIkromaliTojimatovich

Development and application in the chemical industry of devices for processing heterogeneous systems «Liquid-Liquid-Gas ».....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....57

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ ИКРОМАЛИ ТОЖИМАТОВИЧ

**«СУЮҚЛИК-СУЮҚЛИК-ГАЗ» ТИЗИМЛИ ГЕТЕРОГЕН МУҲИТЛАРГА
ИШЛОВ БЕРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР ЯРАТИШ ВА КИМЁ САНОАТИДА
ҚЎЛЛАШ**

**02.00.16 - «Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш
жараёнлари ва аппаратлари»**

**Техника фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/Т393 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб саҳифасида ик-китую. Uz манзили бўйича ва ахборот таълим портали “Ziyonet” (www. Ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алиматов Баходир Абдуманнонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Ғуломов Шухрат Маннопович
техника фанлари доктори, профессор

Худойбердиев Абсалом Абдурасулович
техника фанлари доктори, доцент

Раҳмонов Тойир Зойирович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчिताшқилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси «26» 06 2021 й. да соат «10» да Тошкент кимё технология институти қошидаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 бўйича Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100011. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32 тел: (99871) 244- 79-21, факс (99871) 244-79-17, e-mail tkti: info@mail.ru.

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё технология институтининг Ахборот-ресурс марказида № рақам остида рўйхатга олинган бўлиб, АРМда танишишингиз мумкин (100011), Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел: (99871) 244-79-21.

Диссертация автореферати «11» 06 2021 йилда тарқатилган.
(тарқатма баённомаси 2021 й № рақам остида)



С.М. Туробжонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
т.ф.д., профессор

Қ.О. Долаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё миқёсида суюқлик экстракцияси жараёнлари кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, гидрометаллургия, фармацевтика ва бошқа саноат тармоқларида кенг фойдалиниб келинмоқда. Шунинг учун суюқлик фазаларини аралаштиришга инерт газлар оқимини қўллаш орқали, юқори иш унумдорлик ва экстракциялаш қобилиятига эга бўлган жадал ишловчи, ихчам, энергия тежамкор қурилмаларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда суюқлик экстракцияси жараёнлари учун юқори самарали экстракторларнинг янги конструкцияларини яратиш, суюқлик фазалари контакт юзасини ошириш ва аралаштириш жараёнини жадаллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, суюқликларга нисбатан кимёвий инерт бўлган сиқилган газ энергиясидан фойдаланиш, суюқлик фазаларининг физик-кимёвий хоссалари бўйича томчиларни майдалаш ва масса алмашилиш моделларини такомиллаштириш, қурилма поғоналарида экстрагент сарфини камайтириш ва барқарорлигини таъминлаш, поғоналар сонини камайтириш, юқори унумли металл ва энергиятежамкор, ихчам, турли суюқликларни экстракциялаш қобилиятига эга бўлган янги туркумдаги экстракторларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда кимё ва озиқ-овқат саноати корхоналарида хомашёни қайта ишлашнинг энергия ва ресурстежамкор технологияларини жорий этиш, халқаро стандарт талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва асортиментини кенгайтириш, суюқлик-суюқлик тизимли гетероген муҳитларда самаралиишловчи технологик жараён ва қурилмаларни яратиш, экологик муаммоларни ҳал қилишда муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш асосида, саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, уни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, амалиётда ресурс ва энергиятежамкор технологияларни кенг қўллаш»¹ га қаратилган вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кимё ва озиқ-овқат саноатида экстракциялаш жараёнини самарали усуллар - механик, вибрацион ва пульсацион аралаштирувчи, сетка тарелкали, насадкали қурилмаларга ўтказиш йўналишида илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги фармони ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» номли ПФ-4947-сон фармони.

соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллиштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Суюқлик экстракцияси жараёнларини аниқлаш ва замонавий қурилмалар яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (United State), Peking University (China), Technical University of Denmark (Germany), Kyoto University (Japan), Pierre and Marie Curie University (France), Pohang University of Science and Technology (POSTECH) (South Korea), Indian Institute of Science (India), University of Montreal (Canada), Умумий ва ноорганик кимё институти, Д.И.Менделеев номли Россия кимё-технология университети, Санкт-Петербург Давлат технология институти, В.Г. Шухов номидаги Белгород давлат технология университети, Кимё ва кимё-технологияинститути (Россия), Беларус технология институти (Белоруссия), Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институти, Фарғона политехника институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

«С-С-Г» тизимли гетероген муҳитларга ишлов берувчи экстракторларнинг конструкцияларини яратиш ва такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган:кути кўринишидаги пневматик аралаштиргич-тиндиргич экстрактори яратилган ва плутоний ва урани сувли эритмалардан, трибутилфосфат билан экстракциялаш орқали ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган (University of Montreal, Канада); устун кўринишидаги барботажли экстракторни янги конструкцияси такомиллаштирилган(Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); кути кўринишидаги кўп поғонали барботажли экстрактор яратилган ва ксилолни сирка кислотасидан тозалашда (Умумий ва ноорганик кимё институти, Россия); микробиологияда ва фармацевтикада ишлатишга мўлжалланган кути кўринишидаги барботажли экстрактор яратилган (Санкт-Петербург Давлат технология институти, Россия); устун кўринишидаги кўп поғонали барботажли экстракторларнинг янги конструкциялари яратилган (Санкт-Петербург Давлат технология институти, Россия, Беларус технология институти, Беларус, Фарғона политехника институти, Ўзбекистон).

Дунёда суюқликларни инерт газлар билан аралаштирувчи барботажли

²Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи: (<https://www.mit.edu/>), <http://english.pku.edu.cn/>,<https://www.dtu.dk/english>,<https://www.kyoto-u.ac.jp/en>, <https://www.iisc.ac.in/>, <https://www.study.eu/university/upmc-university-pierre-and-marie-curie>, <https://www.qut.edu.au/study/science-technology-engineering-and-maths/engineering>,<http://www.igic.ras.ru/>,<http://ioch.kiev.ua/institut/istoriya-instituta>,<https://www.umontreal.ca/en/>, <https://muctr.ru/>, <https://ksc.krasn.ru/Institutes/icct/>, <http://www.psu.ru/>, <https://sutd.ru/>, ва бошқалар бўйича ишлаб чиқилган.

экстракторларни янги конструкцияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: экстракторга берилаётган экстрагент ва инерт газ оқимлари режимларининг гидродинамик ва массаалмашинув жараёнларига таъсирини илмий асослаш, оғир суюқликларни экстракциялаш учун томчиларни майдалаш механизмини такомиллаштириш, ихчам, суюқликларни экстракциялашга мослашувчан экстракторлар конструкцияларини ишлаб чиқиш, массаалмашиниш жараёни моделларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «С-С-Г» тизимли гетероген мухитларда экстракция жараёни самарадорлигини ошириш, қурилмаларни янги конструкцияларини яратиш ва тадқиқотлар ўтказиш бўйича Р. Трейбал, Р. Пратт, З. Зюлковский, Г.М. Ритчи, Р. Пристли, А.В. Эшбрук, К. Хансон, Комасава Исао, Сейяку Танабэ К.К., Hashim M.A., Billet R., Diaz M., Mathers W.G., Winter E.T, Myers H.S., Mayeux S., Russel S.H., Fernandes J.B., Sharma M.M., Subbaraya K., Priestley R., Cornelis K., Trambouze P., Li Jingquan, Gu Yongan, В.В. Кафаров, П.Г. Романков, С.М. Карпачёва, Г.А. Ягодин, А.П. Зефиоров, Б.Н. Ласкорин, В.Б. Тихомиров, И.П. Галкин, В.Н. Соколов, Б.И. Броунштейн, В.Г. Левич, А.М. Берестовой, С.Н. Булатов, В.М. Олевский, И.Н. Белоглазов, М.А. Розен, Ж.Д. Тритон, А.Е. Костанян, А.Г. Лаптев, Б.А. Алиматов, Н.Р. Юсупбеков, З.С. Салимов, С.А. Абдурахимов, Ш.М. Гулямов, Х.С. Нурмухаммедов А.Х.Маматқулов, А.А.Худойбердиев ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан суюқлик экстракторлари конструкцияларини яратиш ва такомиллаштириш, қурилмаларда гидродинамик ва массаалмашинув жараёнларининг назарий асосларини ривожлантириш, қурилмаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш услубларини математик моделлаштириш каби олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари саноатга жорий этилган.

Шу билан бирга суюқлик фазаларини жадал аралаштирувчи, оғир фаза томчиларини филтрлаш орқали тўлиқ чўкишини таъминловчи, поғоналарининг экстракциялаш самарадорлиги ва иш унумдорлиги юқори бўлган, ихчам барботажли экстракторнинг янги тузилмасини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №37/1272 «Бутилацетат» ва «Этилацетат» суюқликлари сифатини А-марка талаби даражасида ювиш (2018-2020 йй.) ва НИС-12-18 «Экстракторнинг модда алмашинув жараёнлари самарадорлигини ошириш учун барботажли аралаштириш жараёнини тадқиқ қилиш ва қўллаш» (2018-2020 йй.) хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «С-С-Г» тизимли гетероген мухитларга ишлов берувчи барботажли экстракторни янги конструкциясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

экстракция жараёни гидродинамикасига таъсир этувчи параметрларнинг

кенг ораликда ўзгаришини, суюқлик фазаларининг самарали контактига таъсирини аниқлаш;

қурилмадаги гидродинамик жараёнларни ҳисоблаш тенгламаларини яратиш;

«суюқлик-суюқлик-газ» тизимида интенсивлаш омилларини инобатга олувчи модел ва механизмларни яратиш;

экстрактордаги масса алмашиниш жараёнларига, гидродинамик параметрлартаъсирини аниқлаш;

фазаларнинг самарали контактини ташкил этиш орқали масса ўтказишни ошириш ҳамда поғоналар самарадорлигини аниқлаш;

экстракция жараёнини юқори аниқликда ифодаловчи олинган тенгламалар ҳамда маълумотлар асосида қурилмани лойиҳалашнинг муҳандислик услубини яратиш;

«суюқлик-суюқлик-газ» тизимидаги экстракция жараёни учун муҳандислик услуги ёрдамида юқори қувватли барботажли экстракцион колоннани лойиҳалаш;

гидродинамик ва масса алмашиниш жараёнлари жадаллаштирилган барботажли экстракторнинг янги конструкциясини ишлаб чиқиш ҳамда тажриба қурилмасини яратиш;

Тадқиқотнинг объектисифатида «Farg'onaazot» АЖ Сирка Ангидрид ва Сирка Кислотаси Регенерацияси цехида бутилацетат ва этилацетат суюқликларини ювиш, «FNQIZ» МСНЖ нинг №3 цехида фенолли оқава сувларини тозалаш жараёнлари ҳамда вертикал колонна шаклидаги барботажли экстрактор тажриба қурилмаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети барботажли экстракторнинг гидродинамик ва масса алмашиниш жараёнларининг қонуниятларини ва уларнинг ўзаро боғлиқлик кўрсаткичларини аниқлаш, қурилмани лойиҳалашнинг муҳандислик услубларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гидравлика, гидродинамика, кимё, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш усуллари ҳамда суюқлик ва газларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашда стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

экстракторнинг аралаштириш зоналарида суюқлик ва газ оқимлари параллел ҳамда қарама-қарши йўналишларини, жараён ишчи параметрларини ҳисоблаш имконини берувчи гидродинамик тенгламалари яратилган;

гидродинамика ва масса алмашиниш жараёнлари барботаж қатламида томчиларни майдалаш ва масса алмашиниш моделлари такомиллаштирилган;

экстракция жараёни оптимал режимида пуфак ва томчиларнинг контакт юзаларига боғлиқ ҳолда, ҳажмий масса ўтказиш коэффиценти, қурилма поғоналарининг ФИК ва сони аниқланган;

яратилган қурилманинг оптимал гидродинамик режимларида масса алмашиниш жараёнида аралашма ва экстрагент сарфларининг нисбатлари 3:1

да, ажратиш 94 - 90 % дан 99,75% гача, яъни масса алмашилиш $5 \div 9,9$ % га кўпайган, ҳамда экстрагент сарфи 10 марта камайган;

яратилган тенгламалар асосида юқори самарали барботажли экстракторни лойиҳалашнинг муҳандислик услублари ишлаб чиқилган;

гидродинамик ва масса алмашилиш жараёнлари жадаллаштирилган, самарадорлиги юқори барботажли экстракторнинг янги конструкцияси яратилган;

экстракция жараёнини жадаллаштириш ҳисобига, саноатда қўлланиладиган экстракторларга нисбатан баландлиги 3 маротаба ихчам барботажли экстракцион колонна ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суюқлик ва газ оқимлари режимларида, барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналаридаги гидродинамик жараёнларини, олиб борилган назарий ва тажрибавий тадқиқот ишлари натижалари асосида, асосий ишчи параметрларини лойиҳалашнинг муҳандислик услублари ишлаб чиқилган;

барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналаридаги гидродинамик жараёнларига ва суюқликларнинг физик-кимёвий хоссаларига боғлиқ ҳолда, ҳажмий массаузатиш коэффициентини ҳисоблаш тенгламаси олинган;

барботажли экстракторда бутилацетат ва этилацетат суюқликларини сув билан стандарт талаби даражасида экстракцион ювиш учун, 5 поғонали ҳамда фенолли оқава сувларини бензол ёрдамида тозалаш учун, 3 поғонали барботажли экстракторнинг саноат қурилмаси лойиҳаланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, барботажли экстракторнинг асосий параметрларини назарий жиҳатдан асослашда гидравлика, гидродинамика, физика, кимё, математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида яратилган қурилма тажриба синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «С-С-Г» тизимли гетероген муҳитларга ишлов берувчи барботажли экстракторларнинг гидродинамик ва массаалмашилув жараёнларини тадқиқ қилиш орқали, қурилманинг ишчи параметрларини лойиҳалашнинг муҳандислик услублари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти барботажли экстракторнинг ишлаб чиқилган янги конструкцияси қўлланилганда, қурилмага ўрнатилган филтёрда чўкмайдиган оғир фаза томчиларини филтёрланиши натижасида, поғоналарда экстрагентни барқарор сарфи таъминланганлиги, суюқлик фазаларини аралаштириш жадаллаштирилиши асосида, оғир фаза томчиларининг контакт юзасини кўпайтирилганлиги, экстрагент сарфини камайтириш, экстракция жараёнида қурилманинг самарадорлигини оширишга эришилганлиги билан хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. «С-С-Г» тизимли гетероген муҳитларга ишлов берувчи қурилмалар яратиш ва кимё саноатида қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

5 поғонали барботажли экстрактор «Farg'onaazot» АЖда бутилацетат ишлаб чиқаришга амалиётга жорий этилган («O'zbekiston Respublikasi» АЖнинг 2020 йил 12-августдаги 24-3251-сон маълумотномаси). Натижада экстрагент сарфини 10 марта камайтириш ва стандарт (А марка ГОСТ8981-78, БА-99%) талабларга мос 99,75% тозаликдаги бутилацетат ишлаб чиқариш имконини берган;

5 поғонали барботажли экстрактор «Farg'onaazot» АЖда этилацетат ишлаб чиқаришга амалиётга жорий этилган («O'zbekiston Respublikasi» АЖнинг 2020 йил 12-августдаги 24-3251-сон маълумотномаси). Натижада экстрагент сарфини 10 марта камайтириш ва стандарт (А марка ГОСТ8981-78, ЭА-99%) талабларига мос ювиш кўрсаткичи 99,7%ни ташкил этувчи этилацетат ишлаб чиқариш имконини берган;

3 поғонали барботажли экстрактор «FNQIZ» МЧЖда фенолли оқава сувларини тозалаш амалиётга жорий этилган («O'zbekiston Respublikasi ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasi»нинг 2020 йил 30 октябрдаги 01-02/8-2586-сон маълумотномаси). Натижада оқава сувидаги фенол концентрациясини рухсат этилган меъёр (стандарт ИСО 6439-90 бўйича РЕК-0,001 мг/л) гача тозалаш имконини берган.

Тадқиқот ишларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 халқаро ва 16 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий ишлар, шу жумладан 2 та монография, 13 та мақола, булардан 2 таси халқаро журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 2 таси хорижий ва 9 таси республика илмий журналларида нашр этилган.


Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «С-С-Г» тизимли гетероген муҳитларга ишлов берувчи қурилмалар» деб номланган биринчи бобида, «С-С-Г» тизимли гетероген муҳитлар тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган. Содда ва мураккаб гетероген тизимларда экстракция жараёнини амалга оширишда суюқлик фазаларини аралаштириш усуллари ва инерт газ ёрдамида аралаштириш афзалликлари ёритилган.

Гетероген муҳитлардаги дисперс тизимлар таснифи ва экстракцион қурилмаларга қўйиладиган асосий талаблар келтирилган. «С-С-Г» тизимли гетероген тизимларга ишлов берувчи қурилмалар таснифи баён этилган. Бу таснифга кўра барботажли экстракторларнинг конструкциялари таҳлил қилинган. Қути ва устун кўринишидаги барботажли экстракторларнинг конструкцион тузилиши ва ишлаш принциплари таҳлили натижасида уларнинг асосий камчиликлари ўрганилган. Илмий-тадқиқот ишига вазифа қўйилган. Тадқиқотлар натижасида суюқлик фазаларини аралаштириш вақти оширилган ва оғир фаза томчиларини филтрлаш ҳисобига экстракция жараёни самарадорлиги юқори бўлган, кўп поғонали барботажли экстракторнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. Филтрли барботажли экстрактор


1 – қурилма танаси; 2 – тўсиқ; 3 – ички барботаж патрубкиси; 4 – ташқи барботаж патрубкиси; 5 – газ тақсимловчи насадка; 6 – газ узатувчи тешик; 7 – оғир суюқликни оқизувчи қувурча; 8 – оғир суюқликни чиқарувчи тешик; 9 – қалпоқча; 10 – остки тешик; 11 – устки тешик; 12 – ташқи аралаш-тириш зонасига газ узатувчи қувурча; 13 – газ узатувчи тешик; 14 – филтр ўрнатиладиган тешик; 15 – филтр; 16 – оғир суюқлик ҳаракатланувчи тирқиш

Диссертация ишининг «С-С-Г» тизимли гетероген муҳитларга ишлов берувчи барботажли экстрактор гидродинамик жараёнларининг назарий асослари» деб номланган иккинчи бобида, тавсия этилаётган барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналаридаги гидродинамик жараёнларининг назарий асослари келтирилган. Экстракторнинг барқарор гидродинамик режимда ишлаши, инерт газнинг ички барботаж патрубкиси 3 ва ташқи 3 ва 4

патрубклар орасида ҳосил қилинган ҳалқали каналга тенг тақсимланиши билан боғлиқ.

Бу ўз навбатида қурилманинг гидродинамик режими ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Биринчидан ички барботаж патрубкани 3 да суюқлик аралашмалари ва инертгаз йўлдош оқимда ҳаракатланса, ички 3 ва ташқи 4 патрубклар орасидаги ҳалқали каналда эса, қарама-қарши оқимда ҳаракатланади. Иккинчидан газ узатувчи тешик 6 ва 13 лар турли баландликларда жойлашиши сабабли инерт газнинг тенг тақсимланиши учун тешиклар ўлчами бир-бирдан фарқланади.

Юқоридаги шартнинг бажарилишида тўсиқ 2 остида ҳосил қилинадиган газ ёстиғи h нинг баландлиги қиймати муҳим ҳисобланади (2-расм).



2-расм. Газ ёстиғини ҳисоблаш схемаси

Шу мақсадда назарий тадқиқотлар олиб борилди ва газ ёстиғи баландлигини ҳисоблаш тенгламаси олинди:

$$h = \frac{(\xi_0 w_0^2 \rho_g + 2 \rho_c g (1 - \varphi_1) H) - (\xi_1 w_1^2 \rho_g + \xi_{ex} w_c^2 \cdot \rho_c)}{2g(\rho_c - \rho_g)} \quad (1)$$

Қурилманинг ички ва ташқи аралаштириш зоналарида суюқлик фазаларининг тенг жадалликда аралаштирилишини таъминлаш учун, бу зоналарга газ узатувчи тешик 6 ва 13 лардан чиқаётган газнинг сарфий тезликларини ҳисобловчи тенгламалар олинди.

Ички аралаштириш зонасига газ узатувчи тешиклардаги газ тезлиги қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$w_0 = \frac{1}{k} \sqrt{\frac{2hg\Delta\rho_c(1-\varphi_0)H_0 + 2\xi_{ex}\rho_c w_c^2(1-\varphi_1)H}{2\xi_0\rho_g(1-\varphi_1)H}} \quad (2)$$

Ташқи аралаштириш зонасига газ узатувчи тешиклардан чиқаётган газ тезлиги эса қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$w_1 = \sqrt{\frac{(\xi_0 w_0^2 \rho_r + 2 \rho_c g (1 - \varphi_1) H) - (2g (\rho_c - \rho_r) h + \xi_{ex} w_c^2 \rho_c)}{\xi_1 \rho_r}}, \quad (3)$$

бунда h – газ ёстиғи баландлиги қиймати, м; ξ_0 ва ξ_1 – ички барботаж патрубкеси ва ҳалқали каналга газ узатувчи қувурчалардаги тешикларнинг қаршилик коэффицентлари; w_0 ва w_1 – ички барботаж патрубкеси ва ҳалқали каналга газ узатувчи қувурчалардаги тешиклардан чиқаётган газнинг сарфий тезликлари, м/с; ρ_r – газ зичлиги, кг/м³; ρ_c – суюқлик зичлиги, кг/м³; φ_1 – ташқи аралаштириш зонасида газ миқдори; H – ташқи аралаштириш зонаси баландлиги, м; H_0 – ички аралаштириш зонаси баландлиги, м; φ_0 – ички аралаштириш зонасида газ миқдори; ξ_{ex} – суюқликнинг барботаж патрубкесига киришидаги қаршилик коэффиенти; w_c – суюқликнинг барботаж патрубкесига сарфий тезлиги, м/с; $\Delta\rho$ – суюқлик ва газ аралашмаси зичлиги, кг/м³.

Қурилманинг ички ва ташқи аралаштириш зоналаридаги газ миқдорлари φ_0 ва φ_1 ларнинг қийматини аниқлаш учун қуйидаги тенгламалар тавсия қилинди.

Суюқлик ва инерт газ оқимлари йўлдош ҳаракати учун:

$$\varphi_0 = (1 - 0,04 w'_c) \varphi', \quad (4)$$

Суюқлик ва инерт газ оқимлари қарама-қарши ҳаракати учун:

$$\varphi_1 = (1 + 0,04 w''_c) \varphi', \quad (5)$$

бунда w'_c ва w''_c – барботаж патрубкеси ва ҳалқали канал кесим юзасидаги суюқликнинг сарфий тезлиги, м/с; φ' – суюқликнинг тинч ҳолатдаги газ миқдори бўлиб, қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$\varphi_c = 2,47 \cdot w_r^{0,97}, \quad (6)$$

бунда w_r – аралаштириш зоналаридаги газ тезлиги, м/с.

Газнинг аралаштириш зоналарига тенг тақсимланиши учун тешиклар диаметрлари нисбатини аниқловчи тенглама олинди (2-расм):

$$N = \frac{d_1}{d_0} = \frac{\rho g (1 - \varphi_1) H}{\rho g (1 - \varphi_0) H_0}, \quad (7)$$

бунда d_1 – ташқи аралаштириш зонасига газ узатувчи тешик диаметри, мм; d_0 – ички аралаштириш зонасига газ узатувчи тешик диаметри, мм.


Қурилманинг ташқи аралаштириш зонасида суюқлик аралашмалари ва газнинг ҳаракати қарама-қарши йўналишда бўлиши, газ миқдори φ_1 нинг ортишига сабаб бўлади. Ички ва ташқи зоналарда газ миқдорлари қийматларининг $\varphi_0 = \varphi_1$ бўлиши тенг жадалликдаги аралаштириш режимини таъминлайди. Бу ўз навбатида ташқи барботаж патрубкеси диаметрининг тўғри танланишини талаб этади (2-расм). Бу шартдан келиб чиққан ҳолда, ташқи барботаж патрубкеси ўлчамини аниқловчи тенглама олинди:

$$D = \sqrt{\frac{4Q}{K \cdot \pi \cdot a \cdot \varphi_1 (1 - \varphi_1) \cdot 3600} + D_0^2}, \quad (8)$$

бунда Q – экстракцияланаётган суюқлик сарфи, м³/соат; a – якка олинган пуфакнинг тезлигига мос келувчи коэффицент ($a=20 \div 32$ см/с); D_0 – ички

аралаштириш зонаси диаметри, м; K – суюқлик тезлигини ҳисобга олувчи ўлчам коэффициентлари.

Ички ва ташқи зоналарда суюқлик фазаларининг самарали аралаштирилиши, тешиклардан чиқаётган инерт газ пуфаклари диаметрига боғлиқ. Газ миқдорининг чегаравий қийматида газ пуфакларининг кичик бўлиши уларнинг аралаштирувчи фазалараро солиштирма контакт юзларини орттиришига олиб келади (3-расм).



3-расм. Пуфак ўлчами, оғир суюқликнинг оқиш тезлиги ва фильтрни ҳисоблаш схемаси

Натижада массаалмашинов жараёни самарадорлиги ортади. Баландлиги 1÷4 м бўлган реакторлар учун, пуфак диаметрларини аниқловчи тенгламалар тавсия этилди:

$$d = 3 \sqrt{\frac{6d_0\sigma}{g(p_c - p_r)}} \quad (9)$$

$$d_n = 1,53 \sqrt{\frac{d_0\sigma}{\Delta\rho g}} \quad (10)$$

бунда g – эркин тушиш тезланиши, м/с²; σ – суюқликнинг сирт таранглиги, Н/м;

Аралаштириш зоналарига енгил ва оғир суюқлик фазалари нисбатини тўғри узатиш учун газ миқдорининг қийматида ва оғир суюқлик оқувчи тешикнинг қаршилиқ коэффициентларига боғлиқ ҳолда, оғир суюқликни тешикдан оқиб чиқиш тезлигини аниқловчи тенглама олинди, (3-расм):

$$w_0 = \sqrt{\frac{2g(\rho_0 \cdot H_2 - \rho_{ap} \cdot (1 - \varphi_0))H_0}{\xi_0 \rho_0}} \quad (11)$$

бунда H_2 – оғир суюқликни тешик марказигача бўлган сатҳи баландлиги, м; ρ_0 – оғир суюқлик зичлиги, кг/м³; ρ_{ap} – оғир ва енгил суюқлик аралашмалари зичлиги, кг/м³; ξ – тешикнинг қаршилиқ коэффициенти.

Профессор Б.А. Алиматов томонидан, битта аралаштириш зонали барботажли экстракторнинг аралаштириш зонасидаги суюқлик ва газ тезликларида оғир фаза томчиларининг майдаланиши ва ўлчамлари бўйича

таксимланиши ўрганилиб, томчиларнинг хажмий-юзавий диаметрини аниқловчи эмпирик тенглама тавсия этилган:

$$d_{\text{хю}} = \frac{6,7 \cdot 10^{-6} (\sigma_o^{0,35} \cdot \varphi_o^{0,8})}{(\omega_2^{0,2} \cdot t_{\text{ўр}}^{0,45} \cdot \mu_{\text{я}}^{1,1})}, \quad (12)$$

бунда σ_o – оғир суюқлик сирт таранглиги, Н/м; φ_o – дисперс фазанинг хажмий улуши, %; $t_{\text{ўр}}$ – аралаштиришнинг ўртача вақти, с; $\mu_{\text{я}}$ – ялпи фазанинг қовушқоқлиги, Па·с.

Ташқи аралаштириш зонасига ўрнатилган, чўкмайдиган оғир фаза томчиларини ушлаб қолувчи филтрдан сизиб чиқаётган суюқлик тезлигини аниқловчи тенглама олинди, (3-расм):


$$\omega_{\text{я}} = \sqrt{\frac{2gh(\rho_{\text{ар}} - \rho_{\text{я}})(1 - \phi_1)}{\xi_{\phi} \rho_{\text{ар}}}}, \quad (13)$$

бунда $\rho_{\text{я}}$ – ялпи фаза зичлиги, кг/м³; ξ_{ϕ} – филтрнинг қаршилик коэффициенти бўлиб, тажрибалар орқали аниқланади.

Диссертация ишининг “**Барботажли экстракторда тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида, барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналаридаги гидродинамик жараёнларини ўрганишда ўтказилган тажрибавий тадқиқот натижалари келтирилган. Тажрибавий тадқиқотлар барботажли экстракторнинг тажриба қурилмасида ўтказилди (4-расм).

Тажриба қурилмаси қўйидаги тартибда ишлайди. Енгил суюқлик идиш 15 дан қурилманинг ички аралаштирувчи патрубкиси 4 га пастки газ таксимлаш қисмидан насос 16 ёрдамида берилади. Суюқлик сарфининг керакли миқдори РС-5 маркали ротометр 18 ёрдамида таъминланади ва жумрак 17 билан чегаралаб турилади. Енгил суюқлик билан бирга, патрубк 4 га инерт газ ҳам тешиқлар 6 орқали берилади. Қурилманинг аралаштирувчи қисмларига берилаётган газни текис ва бир меъёрда киришини таъминлаш учун, газ ёстиғи ҳосил қилинади. Газ ёстиғининг керакли қиймати, компрессор 19 ёрдамида берилаётган газ сарфи билан жумрак 20 орқали РС-3 маркали ротометр 21 ёрдамида таъминланади. Газ ёстиғидан газнинг бир қисми халқали каналга қувурчалар 7 даги тешиқ 8 орқали берилади. Газ ёстиғининг баландлигини шиша труба 1а га ёпиштирилган ўлчамли қоғоз лентадаги шкалалар ёрдамида кузатиб турилади.

Қурилмага енгил суюқлик ва инерт газ керакли даражада кириши таъминлангандан кейин, патрубк 4 га оғир суюқлик қувур 9 нинг тешиги 14 орқали берила бошланади. Идиш 22 дан берилаётган оғир суюқлик сарфи жумрак 23 орқали чегараланади ва РС-3а маркали ротометр 24 ёрдамида соланади. Оғир суюқлик аралаштириш зоналарига, фақат тўлиқ тиндирилган ҳолда кириши учун, қувур 9 нинг тепа учига қалпоқча 13 ўрнатилган.



4-расм. Тажриба қурилмасининг схемаси

Барботаж патрубкиси 4 ичида енгил суюқлик фазаси пастдан юқорига ҳаракатланиши натижасида қувур 9 нинг тешиги 14 орқали оқиб чиқаётган оғир суюқликни ўз оқими йуналиши бўйича юқорига ҳаракатлантиради. Оғир ва енгил суюқлик фазалари барботаж патрубкисидаги тешик 6 лар орқали кираётган газ билан жадал аралаштирилади. Суюқлик фазалари газ билан аралаштирилиши натижасида, оғир суюқлик томчиларга майдаланади. Аралашган суюқликлар ўз ҳаракатлари давомида 4 ва 5 патрубклар орасидаги ҳалқали каналга оқиб ўтади ва у ерда қувурча 7 лардаги тешик 8 лар орқали чиқаётган газ билан қўшимча равишда яна аралаштирилади.

Аралаштирилган суюқлик фазалари ҳалқали каналдан қурилманинг чўктириш зонасига чиқади. Бу зона ташқи шиша патрубкка 1 ва ички патрубкка 5 орасида ҳосил қилинган. Чўқаётган оғир фаза томчилари диаметрларини аниқлаш учун видеокамера 30 хизмат қилади.

Чўкмайдиған оғир фаза томчиларини енгил фаза билан қўшилиб чиқиб кетишини бартараф қилиш учун, патрубкка 5 га шиша толали фильтр 29 ўрнатилган. Фильтрда чўкиши қийин бўлган майда заррачали оғир фаза томчилари ушлаб қолинади. Оғир фаза томчиларининг чўкиши натижасида секциянинг фланеци 2 юзасида бир жинсли қатлам ҳосил бўлади. Қайта


ишланган оғир суюқлик канал 11 орқали, жумрак 25 ёрдамида идиш 26 га чиқариб олинади. Суюқлик фазаларини ажратиб турувчи чегара, жумрак 25 ёрдамида тутиб турилади.

Енгил суюқлик ва газ патрубкка 4а даги тешик 6а орқали юқори секцияга чиқарилади. У ерда газ енгил суюқликдан ажралиб чиқиб кетади, енгил суюқлик эса канал 27 орқали идиш 15 га ўтказилади.

Тажриба қурилмасининг барча металл қисмлари Х18Н10Т ва Х17Н13М2Т маркали стандарт пўлатлардан тайёрланган. Қурилмага суюқлик беришда БЦНМ маркали насосдан, газ беришда эса КВ-10 маркали компрессордан ва «Fargonaazot» АЖ нинг Сирка Ангидрид ва Сирка Кислотаси Регенерацияси цехида мавжуд сиқилган ҳаводан фойдаланилди.

Қурилманинг гидродинамик жараёнларини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибаларда енгил суюқлик сифатида бутилацетат, этилацетат, сув, оғир суюқлик сифатида эса сув, бензол билан 4-хлорли углеродни қўшиб тайёрланган турли зичликдаги аралашмалардан фойдаланилди.


Газ ёстиғи қийматини тажрибавий аниқлаш учун, қурилманинг технологик параметрлари қуйидаги ораликларда ўзгартирилди. Тешиклар орасидаги масофа $H_1=315; 240; 165$ мм. Газ узатувчи тешик диаметри $d_0= 1,5$ мм; $d_1=0,6; 0,8; 1,0$ мм. Инерт газ сарфи $Q_r=0,15 \div 0,85$ м³/соат, (0,1 м³/соат қадам билан). Суюқлик сарфи $Q_c=0,07 \div 0,39$ м³/соат, (0,08 м³/соат қадам билан).




1) $d_1=0,6$ мм; $H_1=315$ мм, 2) $d_1=0,8$ мм; $H_1=240$ мм, 3) $d_1=1,0$ мм; $H_1=165$ мм.

5-расм. Газ сарфининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда газ ёстиғининг ўзгариши (таққословчи график) $d_0=1,5$ мм - const

Газ ёстиғини аниқлаш бўйича олинган тажриба натижалари ЭХМ ёрдамида қайта ишланди. Газ сарфига боғлиқ ҳолда газ ёстиғини ҳисоблаш учун регрессия тенгламалари олинди. Газ ёстиғининг назарий ва тажрибавий қийматлари таққосланиб график қурилди (5-расм). Тажрибавий тадқиқотлар (1) тенгламани тўла тасдиқлади.



6-расм. Суяклик тезлигга боғлиқ ҳолда газ миқдорининг ўзгариши
 Ички аралаштириш зонасида, 1. $H_1=315$ мм; 2. $H_1=240$ мм; 3. $H_1=165$ мм;
 Ташқи аралаштириш зонасида, 4. $H_1=315$ мм; 5. $H_1=240$ мм; 6. $H_1=165$ мм;



1. $w_c' = 0,021$; $w_c'' = 0,014$ м/с 2. $w_c' = 0,082$; $w_c'' = 0,05$ м/с 3. $w_c' = 0,14$; $w_c'' = 0,087$ м/с


7-расм. Тешиклар орасидаги масофанинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда диаметрлар нисбатининг ўзгариши

Юқорида келтирилган технологик параметрлар бўйича қурилманинг ички ва ташқи аралаштириш зоналаридаги газ миқдорлари (φ_0 ва φ_1) ларнинг тажрибавий қийматлари аниқланди ва қайта ишланиб, регрессия тенгламалари олинди ва назарий қийматлари билан таққословчи график қурилди (6-расм). Тажриба натижаларига асосланган ҳолда, қурилманинг газ тақсимловчи қурилмаларидаги тешиклардан чиқаётган газ тезликларини ҳисоблаш учун (2) ва (3) тенгламалардан, газ миқдорларини ҳисоблаш учун эса (4), (5) ва (6) тенгламалардан фойдаланиш мумкинлиги исботланди.


Газ узатувчи тешиклар орасидаги масофа H_1 га боғлиқ ҳолда, тешик диаметрлари нисбатини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар олиб

борилди. Олинган тажриба натижалари қайта ишланиб, регрессия тенгламалари олинди ва назарий қийматлари билан таққословчи график қурилди (7-расм). Тажрибавий тадқиқотлар (7) тенгламани тўла тасдиқлади.

Ташқи аралаштириш зонасидаги суюқлик фазалари ва газ оқимлари қарама-қарши йўналишида, газ миқдорлари $\varphi_0 = \varphi_1$ шарт бажарилиши учун ўлчам коэффиценти K нинг тажрибавий қийматлари аниқланди ва қайта ишланиб график қурилди (8-расм). Ташқи аралаштириш зонаси ўлчамини аниқлаш бўйича тажриба натижалари қайта ишланиб, таққословчи график қурилди (9-расм). Ўтказилган тажрибалар (8) тенгламани тўла тасдиқлади.



8-расм. $K=f(w_c)$ суюқлик тезлигининг ўзгаришга боғлиқ ҳолда ўлчам коэффиценти нинг ўзгариш графиги




9-расм. $D=f(w_c)$ Суюқлик тезлигининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ҳалқали канал ўлчамининг ўзгариш графиги

Қурилманинг аралаштириш зоналаридаги пуфак диаметрларини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилиб, олинган натижалар қайта ишланди ва тавсия этилган (9) ва (10) тенгламаларнинг, текширилаётган қурилма учун ўзгармас қийматлари аниқланиб, қуйидаги (14) ва (15) кўринишга келтирилди ва таққословчи график қурилди, (10-расм):

$$d_n = 0,63 \sqrt[3]{\frac{6 \cdot d_0 \cdot \sigma}{g(\rho_c - \rho_2)}} \quad (14)$$


$$d_n = 1,1253 \sqrt[3]{\frac{d_0 \sigma}{\Delta p g}} \quad (15)$$

Энгил ва оғир суюқлик фазалари нисбатлари тўғри танланиши учун оғир суюқликни оқизувчи қувур тешиги қаршилик коэффицентларининг тажрибавий қийматлари аниқланди ва қайта ишланиб график қурилди (11-расм).




1. Тажрибавий; 2. (14)-тенглама бўйича;
3. (15)-тенглама бўйича.

10-расм. Тешик ўлчамининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда пуфак диаметрининг ўзгариш графиги



11-расм. Тешик девори қалинлиги ва тешик диаметрининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда қаршилик коэффицентининг ўзгариш графиги

Қаршилик коэффицентларига боғлиқ ҳолда оғир суюқликнинг оқиб чиқиш тезлигини тажрибавий қийматлари аниқланди ва назарий қийматлари билан таққословчи график қурилди (12,13-расмлар). Тажрибавий тадқиқотлар (11) тенгламани тўла тасдиқлади.




$\xi = 2,7; w_c = 0,07 \text{ м/с, (const)}$.

1. $\rho_0 = 1200 \text{ кг/м}^3, \rho_{ap} = 1066 \text{ кг/м}^3$.

2. $\rho_0 = 1100 \text{ кг/м}^3, \rho_{ap} = 1033 \text{ кг/м}^3$.

12-расм. $Q = f(\varphi)$ Газ миқдорининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда оғир суюқлик сарфининг ўзгариш графиги (таққословчи графиг)



$\xi = 3,4; w_c = 0,07 \text{ м/с, (const)}$.


1. $\rho_0 = 1200 \text{ кг/м}^3, \rho_{ap} = 1066 \text{ кг/м}^3$.

2. $\rho_0 = 1100 \text{ кг/м}^3, \rho_{ap} = 1033 \text{ кг/м}^3$.

13-расм. $Q = f(\varphi)$ Газ миқдорининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда оғир суюқлик сарфининг ўзгариш графиги (таққословчи графиг)

Ички ва ташқи аралаштириш зоналаридаги суюқлик ва газ тезликларида оғир фаза томчиларининг майдаланиши ва ўлчамлари бўйича тақсимланиши

тажрибавий аниқланди. Олинган натижалар қайта ишланиб график курилди (14-расм).



14-расм. Томчиларнинг ўлчамлар бўйича тақсимланиш графиги

$t_{yp}=22$ с; $w_{я}^H=0,051$ м/с; $w_{я}^T=0,026$ м/с;

$t_{yp}=14$ с; $w_{я}^H=0,11$ м/с; $w_{я}^T=0,035$ м/с;

1. $w_2^H=0,09$ м/с; $w_2^T=0,08$ м/с;

1. $w_2^H=0,09$ м/с; $w_2^T=0,08$ м/с;

2. $w_2^H=0,06$ м/с; $w_2^T=0,08$ м/с;

2. $w_2^H=0,06$ м/с; $w_2^T=0,08$ м/с;


3. $w_2^H=0,03$ м/с; $w_2^T=0,08$ м/с.

3. $w_2^H=0,03$ м/с; $w_2^T=0,08$ м/с.


Олинган тажриба натижалари асосида, томчиларнинг хажмий-юзавий диаметрларини ҳисоблаш учун тавсия этилган (12) эмприк тенглама куйидаги (16) кўринишга келтирилди:

$$d_{x,yo} = \frac{3,3 \cdot 10^{-6} (\sigma_o^{0,35} \cdot \varphi^{0,8})}{((w_2^H + w_2^T)^{0,2} / 2) \cdot t_{yp}^{0,45} \cdot \mu_{я}^{1,1}}, \quad (16)$$

бунда w_2^H —ички аралаштириш зонасидаги газ тезлиги, м/с; w_2^T — ташқи аралаштириш зонасидаги газ тезлиги, м/с.



15-расм. Газ сарфига боғлиқ ҳолда, томчилар хажмий-юзавий диаметрининг ўзгариш графиги



16-расм. Томчининг ҳажмий юзавий диаметрига боғлиқ ҳолда, фазалараро солиштирма юзасининг ўзгариш графиги

Тажрибавий тадқиқотлар натижасида томчиларнинг ҳажмий-юзавий диаметрлари аниқланди, натижалар қайта ишланиб назарий қийматлари билан таққосланиб график қурилди (15-расм.). Тажрибавий тадқиқотлар (16) эмпирик тенгламани тасдиқлади. Томчиларнинг ҳажмий-юзавий диаметрлари $d_{x,y}$ га боғлиқ ҳолда, солиштирма фазалараро контакт юзаларининг қийматлари аниқланди ва ЭХМ орқали қайта ишланиб регрессия тенгламаси олинди ва таққословчи график қурилди (16-расм).

Қурилманинг ташқи аралаштириш зонасига ўрнатилган, чўкмайдиган оғир суюқлик томчиларини ушлаб қолувчи филтрдан сизиб чиқаётган суюқлик тезлиги, қаршилик коэффициентларига боғлиқ. Қаршилик коэффициентларининг тажрибавий қийматларини аниқлаш учун 3 хил суюқлик танланди: 1. Сув, $\sigma=0,073$ н/м. 2. Чумоли кислотаси, $\sigma=0,038$ н/м. 3. Бутилацетат, $\sigma=0,0248$ н/м.

Сирт тарангликларига боғлиқ ҳолда қаршилик коэффициентларининг тажрибавий қийматлари аниқланди ва қайта ишланиб, график қурилди (17-расм).


Тажриба натижаларига таянган ҳолда қаршилик коэффициентларини аниқловчи қуйидаги эмпирик тенглама олинди:

$$\xi_{\phi} = \frac{S_{\phi}}{\Delta K S_T} \quad (17)$$

бунда S_{ϕ} – шиша толали филтрнинг солиштирма юзаси, m^2 ; S_T – филтър ўрнатиладиган тешик юзаси, m^2 ; ΔK –тўғрилаш коэффициенти.


Суюқликларнинг сирт тарангликларига боғлиқ ҳолда тўғрилаш коэффициенти ΔK нинг тажрибавий қийматлари аниқланди ва қайта ишланиб, график қурилди (18-расм).

Филтърнинг қаршилик коэффициентларига ва суюқлик аралашмалари зичликларига ҳамда ташқи аралаштириш зонасидаги газ миқдори қийматига боғлиқ ҳолда, суюқликларнинг филтрдан сизиб чиқиш тезлиги ва сарфининг тажрибавий қийматлари аниқланди (3-расм).



1. $S_{\phi}=0,0339 \text{ м}^2$
2. $S_{\phi}=0,0565 \text{ м}^2$
3. $S_{\phi}=0,0791 \text{ м}^2$
4. $S_{\phi}=0,01 \text{ м}^2$
- Таянч сетка $\frac{\delta}{a} = \frac{0,25}{1,2} = 0,21;$
5. $S_{\phi}=0,0339 \text{ м}^2$
6. $S_{\phi}=0,0565 \text{ м}^2$
7. $S_{\phi}=0,0791 \text{ м}^2$
8. $S_{\phi}=0,01 \text{ м}^2$
- Таянч сетка $\frac{\delta}{a} = \frac{0,2}{0,8} = 0,25;$
9. $S_{\phi}=0,0339 \text{ м}^2$
10. $S_{\phi}=0,0565 \text{ м}^2$
11. $S_{\phi}=0,0791 \text{ м}^2$
12. $S_{\phi}=0,01 \text{ м}^2$
- Таянч сетка $\frac{\delta}{a} = \frac{0,25}{1,2} = 0,21;$

17-расм. Сууюқлик сирт таранглигининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда қаршилик коэффициентининг ўзгариш графиги




1. $\frac{\delta}{a} = \frac{0,08}{0,25} = 0,32;$
2. $\frac{\delta}{a} = \frac{0,2}{0,8} = 0,25;$
3. $\frac{\delta}{a} = \frac{0,25}{1,2} = 0,21;$

18-расм. Сууюқлик сирт тарангликларига боғлиқ ҳолда тузатиш коэффициентининг ўзгариш графиги

Тажрибавий қийматлар қайта ишланди ва (13) тенглама орқали унинг назарий қийматлари ҳисобланиб, тажрибавий қийматлари билан таққосланди. (13) тенгламага тўғрилаш коэффициенти Δb нинг қийматлари аниқланди ва тенглама қуйидаги кўринишга келтирилди:


$$\omega_c = \Delta b \sqrt{\frac{2gh(\rho_{ap} - \rho) \cdot (1 - \phi)}{\xi \cdot \rho_{ap}}} \quad (18)$$

Бу тенглама ёрдамида сууюқликни филтрдан оқиб чиқиш тезлиги ва унга боғлиқ ҳолда филтрнинг сууюқлик ўтказувчанлик қобилияти аниқланиб, тажрибавий қийматлари билан таққосланди ва график курилди (19-расм).



